

Гиёҳвандлик - умр заволи

Аввал хабар берилганидек, “Гиёҳвандликка қарши долзарб ойлиги” доирасида Ўзбекистон туманида комплекс тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Бугун туман ҳокимлигига бўлиб ўтган навбатдаги давра сұхбати ҳам айни мавзуга бағишиланди.

Туман ҳокимлиги ва ички ишлар бўлими вакиллари, Ички ишлар вазирлиги академияси мутасаддилари ҳамда Ўзбекистон, Фурқат ва Бешариқ туманларида яшовчи хотин-қизлар вакиллари қатнашган тадбирда келажагини ўйладиган инсон бундай иллатлардан ўзини узоқ саклаши ва атрофдагиларни ҳам шунга даъват этиши лозимлиги таъкидланди.

Тадбирда маъруза қилган туман ИИБ бошлиғининг биринчи ўринbosари Мирзоҳиджон Юлдашев гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни тарқатиш билан боғлиқ ноқонуний ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик тўғрисида батафсил тушуниришлар берди. Шунингдек, бундай моддаларни истеъмол қилиш оқибатлари, уларнинг саломатликка ҳамда жамиятга салбий таъсир қилишини тушуниб этиш муҳимлиги таъкидланди.

Тадбир якунида мавзу юзасидан видеоролик намойиш этилди, бу эса иштирокчиларга мазкур муаммонинг жиддийлигини янада чуқурроқ тушуниш имконини берди.

“Гиёҳвандликка қарши долзарб ойлиги” доирасидаги комплекс тарғибот тадбирлари туман бўйлаб давом этмоқда.

2024-10-03 18:52:27